

Президент Қирғизистонга жүнаб кетди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 26 январь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга жүнаб кетди.

Олий даражадаги музокараларда дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро савдони кўпайтириш, саноат кооперациясини қўллаб-қувватлаш ва минтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинади.

Икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилиниши кўзда тутилган.

Манба